

## ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ЎҚУВ ФАОЛИЯТИ МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШИННИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Жамоат  
хавфсизлиги университети  
н.ф.н., доценнт **И.О.Хайдаров**

### Анотация

Специфические психологические особенности учебной деятельности студентов системы высшего образования специфические психологические факторы формирования навыков учебной деятельности студентов

Важным условием успешности учебной деятельности студентов является изучение особенностей образовательного процесса в вузе, устранение чувства дискомфорта, предотвращение конфликтов, возникающих в микросреде.

**Ключевые слова:** чувства дискомфорта и предотвращении конфликтов, возникающих в микросреде. Их называют познавательными, ориентировочными, мотивирующими, методическими, развивающими и обучающими лекциями.

### Annotation

Specific psychological features of the educational activity of students in the system of higher education Specific psychological factors in the formation of the skills of students' educational activity

An important condition for the success of students' educational activities is the study of the features of the educational process in the university, the elimination of feelings of discomfort, the prevention of conflicts that arise in the microenvironment.

**Key words:** It consists in eliminating the feeling of discomfort and preventing conflicts that occur in the microenvironment. They are called informative, guiding, motivating, methodical, developing and educating lectures.

Талабалар ўқув фаолияти муваффақиятининг муҳим шарти олий ўқув юртидаги таълим жараёнининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, дискомфорт түйгусини бартараф қилиш, микромухитда юз берадиган зиддиятларнинг олдини олишдан иборатdir.

Одатда қуий курслардаги талабалар ўқув фаолиятини мумкин қадар тўлароқ тасаввур этишга ҳаракат қиласидилар, лекин уни бошқариш тўғрисида етарли маълумотга эга бўлмайдилар. Кўпинча улар ўқув фаолиятини бошқариш деганда, ўқув материаллари ўзлаштирилишини режалаштириш, назорат қилиш, баҳолаш кабиларни тушунадилар. Талабалар варақа саволларига берган

жавоблардан маълум бўлишича, уларда ўқув фаолияти тизимини тасаввур этишдан ташқари, уни бошқаришнинг айрим имкониятлари юзасидан муайян билимлар ҳам бўлади.

Талабалар ўқув фаолиятни бошқариш деганда ўзлаштирилаётган ўқув материаларини кўп марта такрорлаш жараёнини тушунадилар, унинг бош мақсади матннинг моҳиятини аниқ англашдан иборат деб биладилар. Масалан, “Материалларни ўзлаштириш учун уларни ўқийман, такрорлайман, лекин ҳеч қачон уни ўзлаштириш мақсадида оқилона йўл, усул ёки воситаларни қидириб ўтирумайман...” Талабанинг бу мулоҳазаси ана шу тоифадаги барча тенгдошларига ҳам хосдир.

Айрим талабалар ўз жавобларида бирор хусусиятга эга бўлган материалларни ўзлаштиришнинг усулларини ҳам ёзганлар. Қуйи курс жавобларидан бири: “Мен аввал ўқув материалини қисмларга ажратаман, сўнг улар ўртасида мантикий уйғунликни вужудга келтираман, мухим ва бирламчи аломатларни топишга ҳаракат қиласман. Мазкур материални олдингиси билан солишираман, ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлайман”. Худди шунга ўхшаш жавоблар талабаларнинг тўртдан бир қисмидан олинди. Уларнинг 85 фоизи ўқув фаолиятини бошқаришнинг айрим таркибий қисмларини ифодалай олганлар. Аммо кўпчилиги ўқув фаолиятини бошқаришнинг умумлашган усулларини таърифлаш, англаш, фаолиятнинг ҳаракатларини қандай тартибда амалга оширишни тасаввур қилишдан анча йироқдирлар. Шунга қарамай, талабаларда таққослаш, режа тузиш, маъруза ва бирламчи манбаларни конспектлаштириш бўйича маълум тушунчалар мавжуд. Бироқ бу борада ҳам айрим нуқсонлар учраб туради. Чунончи, талабалар режалаштириш, конспектлаштириш, таълимий усуллардан фойдаланишга қўйиладиган умумий талабларни аниқ кўрсатишда қийналадилар, муаммо доирасидан четлашадилар ва ҳоказо.

Мана шу қийинчиликларни моҳияти ва шаклига кўра уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. *Билишдаги қийинчиликлар*: ўрта мактаб ва олий ўқув юритидаги ўқув материалларининг мазмун ва кўлами жиҳатдан кескин фарқланиши; олий ўқув юритида ўқитишининг турли шакл ва усуллари (маърузалар, семинар машғулоти, коллоквиум, синов, баҳс, амалий машғулот, маҳсус практикум, маҳсус семинар, маҳсус курс ва ҳоказолар) мавжудлиги ўқув матнни, маъруза ва семинар материалларининг мураккаблиги, муаммолиги, илмийлиги, талабаларда мустақил билим олиш малакалари етишмаслиги; уларнинг мураккаб олий таълимга тўла тайёр эмаслиги.

2. *Ижтимоий-психологик қийинчиликлар*: атроф-муҳит ва ҳаёт шароитининг ўзгариши; ҳаёт ва фаолиятнинг барча жабҳаларида мустақилликка

ўтилиши: иродавий зўр бериш, қобилият, ақлий имкониятлар бўйича қатъиятсизлик: масалан, сессияларда, ўқишдан ҳайдалишдан чўчиш, қўрқиш, хавфсирашнинг пайдо бўлиши.

3. *Касбий қийинчиликлар*: олий ўқув юрти мутахассислигини танлашдан иккиланиш; олий мактаб шарт-шароитларига мослашиш жараёнини нотўғри тасаввур қилиш; таълим олиш усуллари ва воситаларини кўникма, малака ва одатларини эгаллашда орқада қолиш, турли хусусиятга эга бўлган мутахассислик – ихтисослик амалиётидан унумли фойдалана олмаслик; назарий билимлар билан амалиётнинг ажralиб қолгани; талабаларнинг профессиограммадан хабарсизлиги ёки профессиограмма талабларига жавоб берадиган касбий фазилатларга эга эмаслиги.

Мана шу қийинчиликларнинг барчаси олий мактаб мухитига мослашиш билан боғлиқдир. Тажрибадан маълумки, олий мактаб мухитига мослашишда талабаларнинг ўзига хос типологик ва ёш хусусиятлари, ақлий имкониятлари, ақл-заковати, ахлоқий фазилатлари, этник аломатлари маълум даражада роль уйнайди.

### *Таълимдаги қийинчиликларни бартараф қилиши*

Кийинчиликнинг асосий сабаблари талабалар ўқув фаолиятининг тўғри усулларини билмаслиги, ақлий меҳнатда куч ва имкониятларни бир текис тақсимлай олмаслигидан иборат бўлиб, булар ақлий зўриқишининг негизи ҳисобланади. Талабаларда вужудга келган ақлий зўриқиш тасодифий психологик ҳодиса эмас, унинг замирида шахсий ўқув фаолиятини оқилона бошқариш уқувининг заифлиги ётади.

Шунга кўра, олий ўқув юрти талабалари кўпинча ўқув материалларини ўзлаштиришда бу фаолиятни тасодифий бошқаришга ҳаракат қиласидилар. Бунда муайян материаллар мантиқий ҳаракат билан эслаб қолинса, қолганлари мутлақо диққатдан узоклаштирилади. Натижада улар маъruzанинг бир қисмини тинглайдилар, унинг моҳиятини базўр англайдилар, уни конспектлаштиришга улгурмайдилар. Ўқув йили мобайнида ана шу ҳолнинг давом этиши қишки ва ёзги сессияларини талаба учун қаттиқ синовга айлантиради. Шунга кўра, олий ўқув юртининг асосий вазифаларидан бири талабани ўқув материалларининг асосий манбалари билан ишлашга ўргатишдан, унинг мустақил билиш фаолиятини ташкил қилишдан, уни ўзини бошқариш усуллари билан таништиришдан иборатдир. Маълумки, олий мактабда мустақиллик ва мустақил ўқув фаолиятини уюштириш талаб қилинади.

Олий маълумот олиш талабанинг мақсадга мувофиқ, мунтазам, режали, изчил ўқув фаолиятини таълимнинг барча босқичларида амалга оширишини тақозо этади.

Олий мактаб психологияси фанида талабаларнинг ўқув фаолияти аудитория ва аудиториядан ташқари қисмларга ажратилади. Шу билан бирга талабалар олдига ўқув фаолиятининг таркибий қисмлари билан боғлиқ муайян қоидаларга риоя қилиб ҳал этиладиган масалалар кўрилади:

1) қандай йўл билан аудиторияда тўғри ўқиши ва ўқитиши мумкин?

2) қай йўсинда аудиториядан ташқари вақтларда мустақил фаолиятнинг умумлашган усулларидан фойдаланса бўлади?

3) маъruzada талабанинг ақлий фаолияти учун оптимал шарт-шароитлар қандай яратилади?

4) амалий ва семинар машғулотларига тайёрлик даражасини қандай аниқлаши ва ифодалаши мумкин?

5) талабанинг аттестация ва синовларга тайёргарлик савиясини аниқлаши имконияти борми ва ҳоказо.

Мазкур фанда маъruzанинг мухим бешта тури қонуний равишда тавсифланган. Улар *ахборот берувчи, йўналтирувчи, разбатлантирувчи, методик, ривожлантирувчи ва тарбияловчи маърузалар деб аталади*. Ана шу маърузаларнинг сифатини баҳолашда қуйидагилар ҳисобга олинади:

1. Маъruzанинг мазмуни (гоявийсиёсий йўналиши, илмийлиги, оммабоплиги, назария билан амалиётнинг бирлиги, эмтирик материаллар кўлами, баён қилиши шакли ва бошқалар).

2. Талабани ўйлашига, бош қотиришига етакловчи материалларнинг муаммоли баён қилиниши (унинг даражалари, жабҳалари, жиҳатлари, даврийлиги кабилар).

3. Маъruzанинг асослилиги (яққол далиллар билан мустаҳкамланувчи назарий қоидаларнинг ҳаққонийлиги, лўндалиги).

4. Маъruzанинг мутахассислар касбий тайёргарлиги даражасига боғлиқлиги (қай даражада, қай шаклда, қай йўсинда).

5. Маъruzанинг тизими (режалилиги, тартиблилиги, ийгинчоқлиги, умумлашганлиги).

6. Маъруза ўқиши усули (кўрсатмалик, жонли нутқ, ҳистуиғуга бойлиги, материал баённинг суръати, ўринли тўхталиши, мантиқий ургу).

7. Ўқитувчининг талабага муносабати (эътиборлилиги, талабчанлиги, самимийлиги, меҳрибонлиги, одоблилиги).

8. Аудитория билан алоқа қилиши (бевосита, жонли, яккамаякка, гуруҳий, жамоавий, узлуксиз, аҳёнаҳёнда).

9. Талабаларнинг маъruzадаги давомати (академик гуруҳнинг тўла қатнашуви, бир оз камчилиги, умуман камчилиги).

10. Маъruzani конспектлаштириши (кўпчилик томонидан, ярмиси, айримлари).

11. *Лекторлик фаолиятини бошқарши (эркин, ишионч билан, тезисга асосланиб баён қилиши, маъруза конспектидан узоқлашмай баён қилиши).*

12. *Мақсадга эришиши (ишлаб чиқилган йўллар, синалган воситалар, эгалланган усуллар, шахсий нуқтаи назарни баён қилиши, талабанинг мустақил ҳолда ишилаши учун имконият яратиш ва бошқалар).*

Маълумки, олий мактабдаги ўқувтарбия жараёнида маъруза билан семинар машғулотлари боғланиши муҳим аҳамият касб этади. Семинар машғулотлари асосан талабаларда тафаккурнинг танқидийлиги, маҳсулдорлиги каби ақлнинг зарур таркибий қисмлари шаклланишига қаратилган бўлади. Семинар машғулотларида ўқитувчи ўрганилаётган муаммо юзасидан талабаларнинг билимларини текшириши, уларда тафаккурнинг мустақиллигини, маҳсулдорлиги, теранлигини ошириши, атрофмухитга муносабатни шакллантириши, уларга илмий назариялар, концепциялар бўйича шахсий фикрларини билдиришни ўргатиши керак.

Семинар машғулоти талабанинг ўз ўқув фаолиятини бошқаришида муҳим роль ўйнайди. Масалан, таълимнинг турли шаклларида (мустақил ишлар, тўгарак машғулотлари, илмийтадқиқот, маъруза ва баҳсларда олинган билимлар яққоллашади, тартибга тушади, янада чукурлашади, мустақил билим олиш малакалари ўсади, ақлий меҳнат усуллари ўзлашади, оғзаки ва ёзма нутқ такомиллашади).

Олий мактабда қўпинча семинар машғулотининг икки туридан фойдаланилади:

а) семинар режасига кирган масалалардан ҳар бирини алоҳида кенг муҳокама қилиши;

б) ҳар бир талабанинг ўрганилаётган мавзу юзасидан маъruzасини тинглаши. Бизнингча, семинарнинг иккинчи тури кенг кўламда ахборотлар алмасиши имкониятига эга. Чунки унда долзарб муаммолар, қонуниятлар, хусусиятлар бўйича мулоҳаза юритилади ва тегишли қарорга келинади.

*Тажрибаларда талабаларнинг семинар машғулотидаги фаолияти қўйидаги мезонлар асосида баҳоланади:*

1. Семинар машғулотига чиқишининг муайян мақсадга йўналагани (масаланинг қўйилиши, бўлгуси мутахассисликда назарий билимларни амалий билимларга боғлаш).

2. Талаба маъruzасининг режаси: оқилона режалаштириши, масалани бирламчи ва иккиламчи аломатларига ажратиш, библиографияни тўғри тузиш (нодир, янги ва касбга оид манбалар танлангани).

3. Талабанинг хулқи: ўринли баҳслашуви, тўғри жавоби, материални чуқур таҳлил қилиши, далилни қайта баён этиши, ўз нуқтаи назари мавжудлиги, ихчам ва лўнда таҳлил; маъruzанинг зерикарлилиги, бўшлиги.

4. Ўзаро алоқа: талабанинг курсдошларига танқидий, самимий, эътиrozли муносабати; семинар қатнашчилари билан тез мулоқотга киришии имконияти.

5. Талабанинг машғулотни ишонч билан, мутахассисларча якунлаши, тенгдошлари билимини бойитиши ёки аксинча; семинарда барча ҳолатлар ва муносабатларни ёзиб бориши, унга ўз қараашларини билдира олиши.

Маъруза ва семинар машғулотлари самарадорлигини ошириши учун қуийидаги психологияк ҳолатларга эътибор бериш лозим:

1. Матн ва бирламчи манбалар бўйича муҳим ва номухим белги ҳамда алломатларни ажратиши ёки мавҳумлаштириши.

2. Ўзлаштирилаётган ўқув материалларини ўз вақтида таҳлил қилиб бориши ва умумлаштириши.

3. Талаба ўқув материалини идрок қилишии учун ақлий фаолиятининг барча жабхалари бўйича йўл-йўриқлар бериши.

4. Ўқитувчи нутқидан хаёлан илгарилаб кетиб, унинг якунловчи фикрини олдиндан фаҳмлай билиши ва бошқалар.

Хуроса қилиб айтганда, олий таълим тизимида ўқув фаолиятини бошқариш, маъруза ва семинар машғулотларининг самарадорлигини ошириш билан олий мактабдаги таълим ва тарбия жараённада камол топтирувчи ҳамда тарбияловчи принципларни амалга ошириш, талабаларга ўзини ўзи бошқаришни ўргатиш мумкин.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Адлер А. Практика и теория индивидуальной психологии. – М.: 1995.
2. Джакупов С.М. Психологическая структура процесса обучения. Алматы, 2004. – 312 с.
3. Газиев Э.Г. Самоуправление учебной деятельностью обучающихся. Ташкент, Университет, 2008. – 132 с. Фозиев Э. Фаолият ва хулқ–атвор мотивацияси. Тошкент, Университет, 2003. – 124 б.
4. Фозиев Э. Олий мактаб психологияси. Тошкент, 2006. – 164 б.
5. Фозиев Э. Психология тарихи саҳифалари. Тошкент, “Фан”, 2006. – 74 б.
6. Фозиев Э. Умумий психология. Тошкент, 2010. – 544 б.
7. Зимняя И.А. Педагогическая психология. – М.:1999.
8. Кондратьева С.В. Педагогическая и возрастная психология.–Гродно, 1996.
9. Рыбалко Е.В. Возрастная и дифференциальная психология. – Л.: 1990.